

БАДИЙ АСАР ТИЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ МОҲИАТИ

Сотволдиева Садокат

Қўқон давлат педагогика институти

Қўқон шаҳри, Ўзбекистон

Аннотация. Мазкур мақолада бадий матнга лингвистик ҳамда поэтик қаракшнинг моҳияти – бадий матн (кўпроқ шеърӣй матн)ни лингвопоэтик таҳлил қилиш моҳияти юзасидан фикрлар билдирилган. Мақолада аввало лингвопоэтиканинг вазифаси, бадий матн тилини лингвистик ўрганиш ҳамда лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш, бундай тадқиқотлар ўртасидаги яқинлик ҳамда жиддий тафовутлар рус ва ўзбек тилшунослигида қай даражада ўрганилганлиги ҳамда қандай хулосаларга келинганлиги хусусида мулоҳазалар баён қилинган. Асосий эътибор эса бадий асар тилини поэтик аспектда ўрганиш муаллиф маҳоратини ёритиш усули эканлига қаратилган. Бадий матн сифатида асосан мумтоз аёллар шеърӣятидан Самар Бону, Дилшоди Барно, Анбар отин ижоди намуналари олинган.

Калит сўзлар: Тил, сўз, нутқ, коммуникатив нутқ, эстетик мақсад, эмоционал-экспрессивлик нутқ, матн, бадий матн, бадий тил, лингвистика, фонетик, морфологик, лексик хусусият.

Инсонга берилган улуғ неъматлардан энг аълоси тил ҳисобланади. Тил эса кишиларнинг ўзаро алоқа қиладиган, ўзаро мулоқот қиладиган бир воситаси ҳисобланади. Бу ўринда тилнинг умумий функцияси, яъни коммуникатив вазифаси ҳақида сўз бормоқда. Агар унинг материал сифатидаги вазифасига келсак, бошқа ўндан зиёд санъатлардан фарқли ўлароқ, адабиётнинг асосий материали сўз ҳисобланади. Янаям соддароқ ифодаланса, илмий ва бадий асарларнинг ашёси сўз саналади. Чунки “адабиёт” сўзи умумий ном. Демак, адабиётда истифода қилинадиган сўзлар яна таснифланади. Бири илмий, илмий-оммабоп асарлар тили бўлган сўзлар қатлами бўлса, иккинчиси, бевосита бадий асарнинг материали бўлган бадий сўзлардир. Яна тасниф керак: поэзия тили, проза тили. Проза тили асосан жимжимадорликдан бирмунча холи бўлган сўзлар билан “қад” ростласа, поэзия тили образлиқ, тасвирийлик, таъсирчанликни юзага келтириш мақсади билан “ишлов”га учраган тил ҳисобланади. “...ишлов оқибатида табиий ашё (материал) эстетик ашё қимматини олиб юксалади, бадий асарга айланади” [1,18].

Адабиётнинг сўз санъати эканлиги, уни “ҳаракатлантирувчи” унсури тил эканлиги ҳақидаги ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч бир замонда инкор этган эмас. Кишилиқ тарихида адабиёт аталмиш дунёни образли идрок этиш санъати пайдо бўлибдики, бу санъатнинг ифода воситаси бўлган сўз, тилни тадқиқ этмоқдай машаққатли юмуш инсон тасаввури ва тафаккурини муттасил банд этиб келади [1]. В.М.Жирмунский сўзлари билан айтганда, “...поэзияни ўрганиш бошқа ҳар қандай санъатни ўрганишда бўлгани каби унинг

материалини ва бу материалдан бадиий асар яратиш усуллари аниқлашни тақозо этади” [1,18].

Эстетик аспектдан қаралганида, бадиий асар тили бироз қисқартирилиб “бадиий тил” термини билан ҳам юритилади. Бадиий асар тилининг эстетик функциясини эса қуйидагилар ташкил қилади:

1. Фикр, тушунча ифодаловчи бирлик.
2. Бадиий асар асосини ташкил этувчи образлиликни намоён қилувчи унсур.
3. Бадиий асарнинг мазмуни, ғоясини юзага келтирувчи восита.
4. Шу восита сабабидан юзага келадиган эстетик таъсир.

Ана шу тўрт принцип бадиий асар тилини поэтик аспектда ўрганиш лингвистик аспектда ўрганишдан фарқ қилишини кўрсатади. Кўрсатилган воситалар, модомики, “бадиий тил” мақомини белгилар экан, унинг эстетик доираси фонетик-фонологик воситалар, лексик воситалар, синтактик-стилистик воситаларни қамраб олинишини ҳам назарда тутиш лозимлигини кўрсатади. Янада аниқроқ айтганда, агар фонетик-фонологик воситалар аспектида қараладиган бўлса, товуш алмашилиши, товуш тушилиши, товуш иккиланиши, унлиларни чўзиш, ундошларни қўшалок ёки бирин-кетин такрорланиб қўлланиши, урғу, пауза, товуш такрори бўлган ассонас ҳамда аллитрация ва яна товушнинг ҳарф сифатида шаклан турли маънога ишора қилиш усуллари (хуруфий санъатлар) ташкил қилади. Тилнинг эстетик таъсирчанлигини лексик планда ўрганишнинг эса воситалари кенг. Кўп маънолилиқ, яъни метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлиқ, сўзларнинг маъно ва шаклига кўра турлари – синонимлик, унинг тўлиқ, маъновий ҳамда контекст доирасидаги маънодошлиги, омонимлик ва унинг омограф, омофон каби кўринишлари, антонимлик ва унинг бир туркум ҳамда турли сўз туркумларида намоён бўлиши, паронимлик, фразеологик, идиоматик турлари, тасвирий воситалардаги иштироки, шунингдек, парамеологик ҳамда ономастик воситалар, парафразалар ташкил этади. Ҳатто тарихан чегараланган лексика – архаизм ҳамда историзмларнинг ҳам бадиий сўзни ҳосил қилишда алоҳида ўрни мавжуд. Лингвистикада бадиий матн ҳос бўлган лингвотаҳлил объектлари, адабиётшуносликда поэтик таҳлил объектлари мавжуд экан, уларни икки томонлама текшириш заруриятини келтириб чиқаради. Россия тил илмида “Язык Пушкина”, “Язык Толстого”, “Язык Тургенева”, “Язык Анны Ахматовой” сингари монументал китобларнинг нашр этилиши XX аср жаҳон тилшунослик илмида бадиий матн тадқиқига эътибор кучайганидан дарак беради.

Ўзбек тилшунослигида бадиий асар тилини тадқиқ қилишни Айюб Ғулом бошлаб берган бўлса, ўзбек адабиётшунослигида Иззат Султон асослаб берган [2]. Айюб Ғуломдан кейин ўнлаб тилшунослар, жумладан, И.Қўчқортоев, И.Мирзайев, Т.Бойқўзийев, А.Нурмонов, М.Миртожиев, Н.Маҳмудов,

С.Ашурбойев, М.Тожибойева сингари тилшунослар бадий асар тилини лингвистик аспектда текшириб, фаннинг бу йўналишини том маънода илмий тадқиқот объектига айлантирган бўлсалар, адабиётшуносликда ҳам бадий матнни эстетик аспектда ўрганиш алоҳида йўналишга айланди. Шу икки йўналишнинг уйғунлашуви эса тилшунослик ва адабиётшунослик кесимида лингвопоэтика йўналишини юзага келтирди ва бу борада тил илмида алоҳида янгилик бўлган тадқиқотлар амалга оширилди [5]. Лингвопоэтиканинг шаклланишида рус тилшуносларинг хизматлари катта эканлигини ҳеч бир истисносиз эътироф этишга тўғри келади. Айниқса, тилшунос Л.В.Щербанинг фикрича, бадий асарни ўрганиш фақат ундаги ғояни аниқлаш, тимсолларга таъриф бериш, муаллиф позициясини белгилаш билангина эмас, балки унинг тил материалига лингвопоэтик нуқтайи назар билан қараш лозимлигини ҳам ғоят муҳимлигини кўрсатиб берган [6,26]. Антик давр маҳсули бўлган “Поэтика” (Арасту), ўрта асрлар Европасининг нодир ёдгорлиги “Шеър санъати” (Буало) асарларида ҳам фақат поэтикага оид фикрларгина эмас, лингвистикага дахлдор қарашлар ҳам баён этилган. А.А.Потебнянинг фикрича, ҳар қандай матнда поэтик ҳолат кузатилади. Янаям тўғриси, матн муаллифи ўз фикрини равон қилиш учун айрим бир таъсирчан тил унсурларини ишга солади. Шу сабабдан бўлса керак, А.А.Потебня лингвистикани поэтикага яқинлаштириш кераклигини зарур деб билган. В.В.Виноградовнинг тадқиқотларида бадий асар таҳлили жараёнида шоир ёки ёзувчи дунёқарашида мавжуд бўлган муайян даврга хос бўлган мафкуравий ва сиёсий, этномаданий тушунчаларни эътиборда тутиш зарур бўлади. Зеро булар лингвистик бирликлар таркибига жойлашади. В.В.Виноградов бадий нутқни ўрганишнинг икки йўлини белгилайди. Булардан биринчиси бадий асарни таҳлил қилиб тушуниш бўлса, иккинчиси, бадий асарни услубий ва эстетик томондан идрок этиш, унинг товуш, фонема, морфема, сўз яшашва бошқа томонларини ҳисобга олишни уқтиради. Бобур асарларининг семантикасини чуқур тадқиқ қилган И.В.Стеблева ҳам унинг асарларида ишлатилган ҳар бир сўзга поэтик нуқтайи назардан ҳам баҳо бериб ўтган [5]. В.М.Жирмунскийнинг фикрича, поэтика муаммоларини ўрганишда асосий масала поэтик тил ва сўз эканлигини унутмаслик лозим”. “Поэтика – бу тил, тил санъати, тил санъати тарихи” дир. Зеро, тил бадий матндаги фикрлар ҳаракатини бошқаради (Ш.Тошхужайева). Муаллиф тилдан фойдаланиш жараёнида сўзнинг эмоционаллигига эътибор қаратиши шундан.

Бадий матнни лингвопоэтик аспектда тадқиқ қилиш усуллари рус тилшунослигида яратилган илмий тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Масалан, А.Л.Гришунин “Бадий матнни ўрганишга филологик ёндашув икки формал жиҳатдан иборат бўлиб, улар диалектик нуқтайи назардан умумий мақсадга йўналтирилади”, деб ҳисобласа, В.Я.Задорнова “...тилшунослик ва адабиётшунослик усули асосида ва улар ҳамкорлигидаги тадқиқотларни амалга ошириш лингвопоэтика соҳаси ҳисобланади ҳамда бунинг бунинг натижасида ёзувчининг ғоявий-бадий мақсадини аниқлаш имкони

яратилади”, деб ёзади. В.Я.Задорнованинг қатор тадқиқотларида лингвопоэтика соҳасининг предмети, мақсади ва тадқиқот жараёнида эътибор бериладиган масалаларга доир муаммолар очиқ берилган. Унингча, лингвопоэтикада бадиий образлиликни лингвистика билан боғлаш мавжуд. ...Лингвопоэтиканинг мақсади тилнинг у ёки бу бирлигини аниқлашдан иборат жараён бўлиб, бу борада муаллиф тил birlikлари ҳисобланган сўз, сўз бирикмаси, грамматик шакл ва синтактик конструкциялардан ушбу эстетик натижага мувофиқ тарзда фойдаланишига боғлиқ”. Лингвопоэтика бўйича тадқиқот олиб борган яна бир тилшунос А.А. Липгарт лингвопоэтикани филологиянинг бир бўлими ҳисоблаган ва уни лингвостилистика ҳамда адабиётшунослик йўналишларига тааллуқли эканлигини асослаб берган [8].

Рус тилшунослигида яна бир қатор тадқиқотлар борки, улар ҳам лингвопоэтиканинг фан сифатида шаклланиши, бу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотларда масаланинг қайси томонларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳимлиги кўрсатилганлиги жиҳатидан аҳамиятлидир. Айниқса, З.М.Эшмамбетова, В.Д.Асанов, А.К.Жунусбайева, Е.В.Сомова, С.В.Титова, Е.Б.Борисова ҳамда бошқаларнинг ишлари В.Я.Задорнова ҳамда А.А.Липгартларнинг лингвопоэтикага берган таърифларига мувофиқ келиши, уни турли ракурсларда ривожлантирганлиги билан аҳамиятлидир [9].

Ўзбек тилшунослигида ўзбек адиблари асарларини лингвопоэтик аспектида ўрганиш XX асрнинг охирларидан авж олганлигини эслаб ўтиш жоиз. Уларда Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Усмон Носир, Зулфия, Шукур Холмирзайев, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Юсуф, Эркин Аъзам, Эркин Самандар ва бошқа адибларнинг асарлари матни лингвопоэтик аспектда тадқиқ этилди. Бу борада проф. Н.Маҳмудовнинг бир қатор ишлари методологик асос бўлиб хизмат қилганлигини эътироф этиш лозим. Бадиий матни лингвопоэтик тадқиқи борасида проф. М.Йўлдошевнинг ишлари ҳам эътибор ва эътирофга сазовор. У ўз тадқиқотларида бадиий матнни қай мақомда тадқиқ этиш зарурлиги борасида назарий фикрларини ҳавола этди ва буларни амалий жиҳатдан далиллаб берди [12].

Шуни алоҳида кўрсатиш ўринлики, бадиий матнни лингвопоэтик тадқиқ, назаримизда, уч йўналишда бардавом бўлди. Биринчи йўналиш маълум бир давр адабиётининг лингвопоэтик хусусиятлари тўғрисида бўлса, иккинчи йўналиш аниқ бир адибнинг насрий ёки шеърий асарлари умуммундарижаси борасида олиб борилган тадқиқотлар, учинчи йўналиш эса, бадиий асардаги айрим тил birlikларининг лингвопоэтикаси хусусида бўлди [12].

Она тилимиз лингвистик жиҳатдан бой ва эстетик жиҳатдан таъсирчан тил. Унинг муайян бадиий асардаги намуналари адиблар маҳорати ўлароқ ўзининг назокати, фасоҳатини намоён этиб тураверади. Шунинг учун лингвопоэтик йўналишдаги тадқиқотлар бундан кейин ҳам бардавом бўлишига умид сўнмайди. Айниқса, халқ оғзаки адабиёти намуналари (достонлар, афсона ва эртаклар, матал ва масаллар), панднома адабиёт, сўфиёна адабиёт, агиографик асарлар, феминистик адабиёт асарлари тилини

бу аспектда тадқиқ қилиш тилимизнинг маъно нозиклиги, таъсирий қуввати, шаклий мукамаллигини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этишини унутмасак бўлгани.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жирмунский В.М. Теории литературы. Поэтика. Стилистика. –Л.: Наука.1977. – Стр.18.
2. Бу ҳақида қаранг: Йўлдошев М. Бадиий асар лингвопоэтикаси. – Т.: Фан, 2008.
3. Жирмунский В.М. Кўрсатилган асар. – Стр.18.
4. Ғуломов А. Бадиий адабиётнинг тили ҳақида // Адабиёт ва санъат. – Т.: 1941.
5. Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Т.: 1960.
6. Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. М.: 1957. – Стр. 26..
7. Шу диссертация. – Стр. 17.
8. Липгарт А.А.Лингвопоэтическое исследование художественного текста: теория и практика. (на материале английской литературы XVI-XX в.в.) // М.: 1996. – Стр. 23.
9. Эшмамбетова З.М. Соотношение авторской речи и речи персонажа как лингвопоэтическая проблема. // АР дисс. к.ф.н. – М.: 1984.
10. Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. –Т.:Адабиёт ва санъат, 1997.–58 - б.; Шу муаллиф: Тилсиёсати ва сиёсат тили // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.:2016.–№ 4.–27- б.
11. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: Фан, 2007.
12. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т.: 2003.
13. Шадиёва Д. Муҳаммад Юсуф шеърятини лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т.: 2007.
14. Жамолиддинова Д. Бадиий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005.